



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҲАРБИЙ ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда аҳоли соғлиғини сақлаш ва яхшилашни таъминлайдиган самарали соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўланилган ислохотлар доирасида босқичма-босқич миллий тиббий таълимни модернизациялаш, мазкур соҳага халқаро таълим стандартлари ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, аҳоли соғлиғини сақлашнинг долзарб муаммолари юзасидан илмий тадқиқотларни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳарбий тиббиёт тизимида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга тўқтинлик қилаётган бир қанча муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, ҳарбий тиббиёт мутахассисларининг узлуқсиз касбий тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, кўникмаларини замонавий талабларга мослаштиришнинг амалий тизими жорий қилинмаган;

иккинчидан, ўқув жараёнида инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланишнинг паст даражада эканлиги оқибатида ҳарбий-тиббий кадрларни тайёрлаш ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига самарали тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тизимига замонавий усул ва ёндашувларни татбиқ қилиш имкони мавжуд эмас;

учинчидан, фавқулодда ҳолатлар (вазиятлар) оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган ва ушбу йўналишда ташкилий-профилактика ишларни олиб борадиган юқори малакали ҳарбий тиббиёт мутахассисларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, улар учун узлуқсиз, босқичма-босқич ва мақсадли ўқитиш тизимини яратиш ҳамда ҳарбий-тиббий соҳада таълим, фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети негизига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг юридик шахс мақомига эга бўлган **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси** (кейинги ўринларда — Академия) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар учун ҳарбий тиббиёт соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

тиббиёт соҳасида тор мутахассисларни, илмий-педагогик кадрларни ҳамда захира ва резервдаги тиббиёт хизмати офицерларини тайёрлаш;

таълим жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик ва инновацион тиббиёт технологиялари, замонавий ўқув дастурлари ва ўқув-услубий ёндашувларни кенг жорий этиш;

ҳарбий тиббиёт амалиётида мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

миллий ва хорижий етакчи олий, олий ҳарбий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда таълим жараёнини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасида илмий тадқиқотларни ўтказиш;

таълим олувчиларни инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

3. Белгилансинки, Академия:

давлат олий ҳарбий таълим муассасаси ҳисобланади;

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳр, банк ҳисобварағи ва хорижий валютадаги банк ҳисобварағи, штамп ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Академияда таҳсил олиш учун 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб номзодлар Ўзбекистон Республикаси олий тиббий таълим муассасалари даволаш факультетларининг бешинчи босқичини ва тиббий-профилактика факультетларининг тўртинчи босқичини тамомлаган, ўқиш якунлари бўйича энг юқори натижаларни кўрсатган, ўқишини Ҳарбий тиббиёт академиясида давом эттириш ва келгусида контракт бўйича ҳарбий хизматни уташ истагини билдирган, шунингдек, соғлиғининг ҳолатига кўра, ҳарбий хизматга яроқли бўлган талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан танлаб олинади;

Академияда курсантларнинг мажбурий икки йиллик ўқиши икки босқичли ҳарбий тиббиёт ўқув дастури асосида: биринчи йил — **бакалавриятда**, иккинчи йил — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича ҳарбий **интернатурада** амалга оширилади;

Давоми 2-бетда

Кун мавзуси



ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ ВА БЎЛМАҒАЙ...

Миллат раҳнамоларининг нутқи мамлакатларнинг ўтмишига таҳлил, келажакка режа беради. Янгиланаётган Ўзбекистон ўз раҳбари сиймосида жаҳонга янги сўзини айтди: **Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврига** яратилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тадбирда Президентимиз “Янги Ўзбекистон” иборасига тўхталиб, “Халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, аниқ ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”, деди.

Тарихида икки буюк Ренессанс бошдан ўтказган мамлакатимизнинг гербида Хумо қуши қанот ёзиб турибди. Бу тасо-диф эмас. Хумо — жаҳон цивилизация марказларидан бири, қадимий ва навқирон Ўзбекистон рамзи — Ренессанс рамзи.

Халқимиз, айниқса, ёшлар шод. Чунки янгиланиш, уйғониш, жўшқинлик Ренессансларнинг ҳаракатлантирувчи кучи — ёшларга хос оловли туйғуларда.

Давоми 3-бетда

24 октябрь — БМТ ташкил топган кун



ЖАҲОННИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТИ — 75 ЁШДА

XX аср охири ва XXI асрга келиб, жаҳонда энг йирик ва нуфузли, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий таъсир доираси нихоятда кенг ташкилот сифатида БМТ эътироф этилмоқда. У инсоният муаммоларини ҳал этиш маркази ўларок, ҳозирга қадар ягона универсал ташкилотдир.

Бу нуфузли ташкилотга аъзо бўлган катта ва кичик, бой ва қашшоқ, турли ижтимоий гуруҳларга мансуб, сиёсий ва иқтисодий, маданий манфаатлари турлича давлатлар ўз ташаббус ва фикрларини баён этиш, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

БМТ ИСЛОҲОТЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН НУҚТАИ НАЗАРИ

БМТ ислохотлари бўйича Ўзбекистон ўз позициясини бир неча маротаба ташкилот минбаридан туриб билдирган.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 январга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси экспорт қилувчиларга:

экспортolni молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлар учун ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банки томонидан белгиланган кредит фоиз ставкаси ва миқдоридан қатъи назар:

миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз харажатларининг **50** фоизгача, бироқ **10** фоиз банддан кўп бўлмаган миқдорда;

чет эл валютасидаги кредитлар бўйича фоиз харажатларининг **50** фоизгача, бироқ **5** фоиз банддан кўп бўлмаган миқдорда компенсациялар тақдим этади;

ижобий кредит тарихига эга бўлса, аввал олган кредитлари бўйича қарздорлиги бўлишдан қатъи назар, экспортolni молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлар учун қўшимча олинмадиган кредитлари бўйича юқорида белгиланган миқдорлар ва шартларда компенсация ва (ёки) кафилликлар тақдим этади;

тақдим этиладиган кафилликлар бўйича комиссия тўловларини **2** бараварга камайтирилган миқдорда ундиради.

Фармон билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига қатор қўшимча вазифалар юклатилди.

Агентликка юкланаётган қўшимча вазифаларни амалга ошириш учун унинг ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади.**

тижорат банкларининг экспортolni молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағлари учун бериладиган кредитлари бўйича кредит суммасининг **50** фоизгача, бироқ **8** миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик беради;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ТИББИЁТ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетда

Академиянинг бакалаврият босқичини тамомлаган курсантларга дастлабки “**тиббий хизмат лейтенанти**” ҳарбий унвони ва “**ҳарбий врач**” мутахассислигини берадиган давлат намунасидаги диплом ҳамда ҳарбий интернатурани тамомлагач, навбатдаги “**тиббий хизмат катта лейтенанти**” ҳарбий унвони ва тегишли мутахассислик берилганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади;

Академиянинг ҳарбий тиббиёт ўқув дастури асосида таълим олган битирувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси олий тиббий таълим муассасалари даволаш ва тиббий-профилактика факультетларидаги ўқиши Академиядаги ўқишга тенглаштирилади;

тиббиёт соҳасидаги тор мутахассисликлар бўйича тиббиёт кадрлари Академиянинг **клиник ординатура ва магистратурасида**, илмий-педагогик кадрлар эса унинг **докторантурасида** тайёрланади;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маркази таълим олган битирувчиларнинг ўқув ва клиник базаси, шунингдек, асосий таъминот маркази ҳисобланади.

5. Академияга 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикасининг бошқа тиббий таълим муассасаларини битирган тиббиёт ходимларини тўлов-контракт асосида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга;

ҳукуматлараро битим ва шартномалар асосида хорижий давлатлар учун тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга рухсат этилсин.

6. Академия таълимасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ҳарбий тиббиёт илмий-тадқиқот институти ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиш куйидагилар белгилансин:

санитария-эпидемиологик манбаларни, ҳодисаларни, омилларни ва биоло-

гик хавфсизлик тўғрисидаги қарашларнинг шаклланишини илмий жиҳатдан ўрганиш, замон талабларига жавоб берувчи, биологик таҳдидларга тезкор жавоб қайтара оладиган самарали тизимни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича изланишлар олиб бориш;

аҳоли ва шахсий таркибининг биологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш, юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни таҳлил қилиш ва уларга қарши илмий асосланган мажмуавий тадбирларни ишлаб чиқиш, биологик хавфларни назорат қилиш тизимини мувофиқлаштириш;

биологик хавфсизлик соҳасида миллий кадрларни тайёрлаш ва соҳага оид илмий тадқиқотларнинг олиб борилишида ўқув-илмий марказ сифатида фаолият юритиш;

илмий асосланган ишланмаларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида қўшинларнинг тиббий таъминотини ташкил этиш тажрибасини ва мавжуд муаммоларни ўрганиш.

7. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкилий-штат тузилмаси 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясида ўқитиладиган мутахассисликлар (йўналишлар) рўйхати 2-иловага;

Тиббиёт соҳасида ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси контракт бўйича ҳарбий хизматчиларининг эгаллаб турган лавозимлари бўйича асосий ҳарбий унвонлари ва тариф разрядлари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Академияни ташкил этиш унинг ташкилий-штат тузилмасига асосан 40 та курсант ва 100 та тинловчи штат бирликлари Мудофаа вазирлигига қўшимча, қолган штат бирликлари эса — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа

вазирлиги қўшинларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ажратилиши орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги, зарурат бўлганда, Академиянинг ташкилий-штат тузилмасига Мудофаа вазирлиги қўшинларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Академия Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 4-уй манзили бўйича 83-сон ҳарбий шаҳарча ҳудудида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультетига 2019 йилда ўқишга кирган курсантларнинг тахсил олишини 2020/2021 ўқув йилида амалдаги таълим дастурлари бўйича Тошкент тиббиёт академияси ва Академиянинг базаларида яқунлаш чораларини кўрсин;

Академиянинг 2021 йил битирувчилари орасидан ўқиш якуни бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга бўлганларга ҳарбий интернатурада ўқишни давом эттиришга рухсат берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги, истисно тариқасида, Академиянинг Ҳарбий тиббиёт илмий-тадқиқот институти офицерлар таркиби лавозимларини контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ истагини билдирган тиббиёт соҳасидаги юқори малакали фуқаро мутахассислар ҳисобидан бутлашга, бунда уларни тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра, дастлабки ва ҳарбий-касбий саралашни ўтказмай, шунингдек, ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етганлигидан қатъи назар, контракт бўйича ҳарбий хизматга олишга ҳамда катта офицерлар таркиби ҳарбий унвонларини беришга рухсат берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалик-

да икки ой муддатда Академия ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Аxbотот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

12. Белгилансинки:

а) Академиянинг педагогик фаолият билан шуғулланувчи раҳбари, раҳбар ўринбосарлари ва профессор-ўқитувчилар таркибига ҳамда Ҳарбий тиббиёт илмий-тадқиқот институтининг раҳбари ва илмий ходимларига куйидаги миқдорда ойлик устама тўланади:

базавий лавозим маошининг 50 фоизи миқдориди — фуқаро таркибидеги ишчиларга;

асосий лавозим маошининг 100 фоизи миқдориди — контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга;

б) Академия ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Аxbотот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг бош, етакчи, катта ва кичик илмий ходимлари лавозимларидаги фуқаро ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш қонунчилиқда белгиланган бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенг миқдорда амалга оширилади;

в) Академияда ўқув ва ўқув-амалий машғулотларни ўтказишга бевосита жалб қилинадиган республиканинг бошқа тиббиёт муассасалари мутахассисларига педагогик фаолиятнинг ҳар бир академик соати учун Академия томонидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдориди қўшимча ҳақ тўланади;

г) Академиянинг таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Мудофаа вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2021/2022 ўқув йили бошлангунига қадар:

Академияга профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар таркибининг танловини ўтказсин ҳамда вакант лавозимлар, уларга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли ихтисосликдаги юқори малакали мутахассислар билан белгиланган тартибда бутласин;

Академиянинг ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот фаолиятига, шу жумладан, шартнома асосида, етакчи миллий ва хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг малакали мутахассислари ва экспертларини жалб этсин;

илгор миллий ва хорижий олий таълим, ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказ ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасидан фойдаланган ҳолда Академиянинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг касбий тайёргарлигини доимий равишда такомиллаштириб боришни таъминласин.

Академия бошлиғига таълим соҳасида миллий ва халқаро олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари билан белгиланган тартибда икки то-

монлама тегишли келишув ва шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

икки ой муддатда Академиянинг инфратузилма объектлари қурилишини жадаллаштириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини;

уч ой муддатда Академияни замонавий ўқув жиҳоз ва буюмлари, лаборатория қурилмалари ва тренажёр комплекслари билан таъминлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясининг инфратузилмаси ҳамда ўқув-моддий базасини яратиш ва такомиллаштириш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун Мудофаа вазирлигига 2021 йилда ва келгуси йилларда қўшимча марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ва бюджет маблағларини ажратсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши қотиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 22 октябрь

Қарор ва ижро



Ақтам ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва
томорқа ер эгалари кенгаши раиси

Куз — далаларда ҳосил йиғиш бошланадиган муҳим палла. Бу давр деҳқон учун ҳам, боғбон учун ҳам бирдай серташвиш, бирдай тигиз пайт. Сабаби, далаларда асосий ва такрорий экинлар ҳосили йиғиб-териб олинаётган бир вақтда омилкор бободоҳқонларимиз тўқсонбости экинлар экишга тараддуд кўрмоқда.



Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорларимизни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан янада тўлдиршида сабзавотларни тўқсонбости муддатда етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Деҳқонларимизга яхши маълумки, совуққа чидамли бўлган сабзи, пиёз, саримсоқпиёз, ош лавлаги каби сабзавотлар, кашанич, селдер, салат барги сингари кўкатларни тўқсонбости мавсумида экиб етиштириш, улардан яхшигина даромад олиш мумкин.

Президентимизнинг 2020 йил 15 октябрдаги “Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айни шу масалаларга эътибор қаратишга билан аҳамият-лидир.

Халқимизнинг “Тўқсонда суғорсанг, тўқсон ботмон ҳосил оласан”, деган

нақли замирида катта маъно бор. Тўқсон деганда қишнинг тўқсон куни назарда тutilади. Эрта баҳорда экилган кўкат ёки сабзавот униб чиқиб, ривожланаман, дегунига қадар тўқсонбости усулида экилган экин ҳосилга киради. Масалан, шундай усулда экилган сабзи эрта баҳорда ерга сепилганларига қараганда камида бир ой аввал пишиб етилади. Шу жиҳатдан деҳқончиликнинг тўқсонбости усули яхшигина даромад манбаи бўлиш билан бирга, халқимиз тилида айтганда минг бир дардга даво бўлиб, аҳолининг эртаги сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш имконини ҳам беради.

2019 йилда аҳоли томорқаларида 125,3 минг гектарга август-сентябрь ойларида пиёзи ва саримсоқпиёз, кузги тўқсонбости экинлари экилган эди. Бунинг натижасида жорий йилда 1,9 млн. тонна маҳсулот етиштирилди. 880,8 минг тонна пиёз, 220,4 минг тонна саримсоқпиёз, 276,7 минг тонна сабзи, 196,8 минг тонна қарам ва бошқа сабзавот экинларидан 304 минг тонна ҳосил олишга эришилди.

Жорий йилда эса жами 162,3 минг гектар майдонда тўқсонбости усулда экинлар экиш, хусусан, 57,1 минг гектарда август-сентябрда пиёз ва саримсоқпиёз, октябрь-декабрь ойларида 105,2 минг гектарда экспортбop сабзавот етиштириш режалаштирилган. Шу йилнинг август-сентябрь ойларида 27,7 минг гектарга пиёз, 29,4 минг гектарга саримсоқпиёз экинлари экилди.

Ўтган йили республикамызда 25 минг гектарга саримсоқпиёз экилиб, 1 гектардан ўртача 9 тоннагача ҳосил олинган эди. 2020 йил ҳосили учун яна 36 минг гектарга, шундан эрта баҳорда 3 минг гектар, август-сентябрь ойларида 33,5 минг гектарга саримсоқпиёз экилди. Эътиборли жиҳати, жорий йил январь-август ойларида жами 1 735 тонна, жумладан, Россия ва Қозғоғистонга 660 тоннадан, Тожикистонга 215

тонна, Қирғизистонга 88 тонна, Турк-манистонга 60 тонна ва бошқа давлатларга 52 тонна шу турдаги маҳсулот экспорт қилинди.

Юқоридаги қарор асосида Саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ҳамда унинг масъулияти чекланган жамият шаклидаги ҳудудий бўлинмаларининг ташкил этилиши бу борадаги ишларни янада жадаллаштиради. Мазкур ҳужжат билан Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида Саримсоқпиёз етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилиб, 400 гектар майдонда кластер усулида аҳоли хонадонларини бириктириш орқали саримсоқпиёз етиштириш йўлга қўйилмоқда. Қолаверса, уюшма зиммасига маҳсулот етиштирувчиларга илмий-амалий тавсиялар бериш, энг мақбул давлатларга қўлай вақтларда экспорт қилишда кўмаклашиш, уларнинг малакасини ошириш вазифалари ҳам юклатилди.

Эндиликда мазкур уюшма ташки ва ички бозор талабларидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 июнга қадар август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш бўйича Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига тақлифлар киритиб боради. Бу турдаги экинлар пахта ва ғалла майдонларидан қисқартирилган, фойдаланишга кири-

тиладиган, захирадаги ерлар, шунингдек, такрорий экин сифатида ғалладан бўшайдиган ва бошқа ер майдонларига жойлаштирилади.

Август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ажратиладиган, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланди. Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда саримсоқпиёз етиштириш лойиҳасини амалга ошириш учун 7 миллиард сўм миқдорда етиштирувчиларга илмий-амалий тавсиялар бериш, энг мақбул давлатларга қўлай вақтларда экспорт қилишда кўмаклашиш, уларнинг малакасини ошириш вазифалари ҳам юклатилди.

Эндиликда мазкур уюшма ташки ва ички бозор талабларидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 июнга қадар август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш бўйича Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига тақлифлар киритиб боради. Бу турдаги экинлар пахта ва ғалла майдонларидан қисқартирилган, фойдаланишга кири-



2019 йилда аҳоли
томорқаларида

125,3 минг гектарга
август-сентябрь ойларида
пиёзи ва саримсоқпиёз,
кузги тўқсонбости
экинлари экилган эди.
Бунинг натижасида жорий

йилда 1,9 млн. тонна
маҳсулот етиштирилди.

880,8 минг тонна пиёз,
220,4 минг тонна

саримсоқпиёз, 276,7
минг тонна сабзи,

196,8 минг тонна
қарам ва бошқа сабзавот

экинларидан 304 минг
тонна ҳосил олишга
эришилди.

минлашга жиддий киришган. Биринчи навбатда, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити, ўзига хослигидан келиб чиқиб, август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинлари навларини жойлаштириш ва етиштириш, экинларни парваришлаш бўйича фуқароларга амалий ёрдамлар кўрсатмоқда.

Ўшбу саяё-ҳаракатлар айни вақтда халқаро ҳамжамиятнинг алоҳида хавотир ва ташвишига сабаб бўлаётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга мамлакатимизда алоҳида миссия сифатида қаралаётганидан далолатдир. Бозорларни зарур маҳсулотлар билан тўлдирши ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланган бугунги даврда мазкур қарорнинг ижроси, шубҳасиз, экспортбop қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, айниқса, саримсоқпиёз етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Кун мавзуси



ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ ВА БЎЛМАҒАЙ...



Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор



Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда дунё ижтимоий фанларида маданий код, миллий код тушунчалари кенг қўлланмоқда. Маданий код — бу аждоқлардан мерос қолган ноёб маданий хусусиятлар. Улар халқнинг рамзларида, гоҳ англандан, гоҳ англалмаган ҳолда хулқ-автор, одатларида намоён бўлади. Маданий код, ўзбекча айтганда, “асли қониди бор нарс”га тўғри келади.

Икки Ренессансни бунёд этган боболар қони бугун бизнинг томирларимизда оқаётди. Шундай экан, янгиланаётган Ўзбекистонда қайта тикланиш тажрибасини қаердан излашимиз керак? Бу саволга жавобни ҳазрат Алишер Навоий васият этиб кетган: “Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил”.

Имом Муҳаммад Бухорий, Абу Исо Термизий, Абу Али ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Райҳон Бериуний, Насафий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Абу Мансур Мотуридий меросхўрларимиз. Улар ўзларидан 1000 йил кейин Халқроқ ислом ақдамеясини, Ислои цивилизацияси марказини куриш ҳуқуқини олиб, бизга бериб кетдилар.

Аждодларимиз жаҳон аҳлига диний ва дунёвий илмларнинг аслини ўргатган. Дунёнинг етук олимлари боболаримиз билан танишлиги, уларга шогирдлиги, уларнинг китобларини ўқиганлари билан фахрланган. Бизга бугун мана шу шон, мана шу шараф дарвозаси қайта очилмоқда.

Бугунги мисол: жаҳоний шахар — Самарқандда буюк султон Мирзо Улуғбек қурдириб, 1420 йилнинг 21 сентябрь куни ўзи очиб берган мадрасаси олият ташкил этилганига табаррук 600 сана тўлади. Бу кутлўғ ёшни у Самарқанд давлат университети сиймосида кутиб олапти.

Мадрасаси олиятда қанча толиби илм дарс олгани маълум эмасдир, лекин Самарқандга ихлос билан илм истаб келган, кейинчалик шамс ул-миллат мақомига етишган ҳиротлик Низомиддин деган йигитнинг исми шарифи бугун Самарқанд давлат университетига айланган муазам мадрасаси олиятни абадий шухратга буркади. Бу исми шариф — Низомиддин Мир Алишер Навоий. Демак, Низомиддин Мир Алишернинг Навоий бўлишида бугунги Ўзбекистон, Самарқанд, мадрасаси олият илмий-ижодий бешик вазифасини ўтади.

Шу боис, у:
Ҳақ йўлидан ким санға бир харф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила,
 деган сатрларини талабалик йилларини эслаб ёзган; ўзи ўқиган мадрасаси олиятни эслаб, ўзини “ранж ила” ўқитган устозларига гоийбона таъзим бажо келтирган бўлса, не ажаб?!

“**Аждодларимиз жаҳон аҳлига диний ва дунёвий илмларнинг аслини ўргатган. Дунёнинг етук олимлари боболаримиз билан танишлиги, уларга шогирдлиги, уларнинг китобларини ўқиганлари билан фахрланган. Бизга бугун мана шу шон, мана шу шараф дарвозаси қайта очилмоқда.**”

Оққан дарё оқаверади. Мирзо Улуғбек кўрсатган улўғ намуна, илм-парварлик қайта бошланди. Ўнлаб университетлар ташкил этилиб, олий таълим тизими тубдан модернизация қилинмоқда.

Шўро даврида, ундан кейин ҳам Ўзбекистонда ҳар йили нечта институт, университет очилган экан? Кейинги тўрт йилда ҳар йили ўртача 11 та олий таълим муассасаси очилляпти. Бу давлатимиз раҳбарининг камтарона айтган “Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда”, деган фикрлари нақадар ҳақиқатлигини тасдиқламайдими?!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ТАРБИЯ

2019 йилнинг 31 декабрь куни Ўзлуқсиз маънавий тарбия концепцияси тасдиқланди. Унга кўра, 30 ёшгача бўлган ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, ирода, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, масъулият, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби таянч фазилат, ижтимоий компетенциялар ривожлантирилади. Бу хислатлар тарбиянинг сифат талабига айланади. Шу вақтгача натижаси мавҳум бўлиб келган тарбия мана шу таянч фазилатларда натижа топади. Мукаммал компетенция-лаёқатлар билан мустақил ҳаётга кириб борган ўғил-қизлар ўзини ҳам, Ватанини ҳам бахтли қилади.

Ўзлуқсиз маънавий тарбия концепциясининг инновациявийлиги нимада? Илгари Ўзбекистонда “1-18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ўз ёшига мос қандай маънавий талабларга жавоб бериши керак?”, “Бир йиллик тарбиянинг натижалари қандай бўлди?” деган аниқ савол қўйилмаган. Қўйилса ҳам “Ҳамкорликда кўп тадбирлар ўтказдик. Энди, болалар катта бўлса, маълум бўлади-да тарбияси” қабилида фикрлар билдирилган ёки 5-6 нафар иқтидорли ёшни кўрсатиб, мана — тарбиявий ишлар ютуғи, дейилган. Бугунги уюшмаган ёшлар — илмга асосланмаган ана шу тарбиянинг жабрдийдалари.

Шунинг учун бугун 15-20 ёшлиларнинг хулқи бизни ранжитаётган бўлса, бунга улар айбдор эмас. Уларнинг билмаслиги — тушунтирилмаганидан, қилмаслиги — ўргатилмаганидан. Ватанпарварликни ҳам, чой сузишни ҳам, уялишни, масъулиятни, салом беришни ҳам.

Энди “Бугун мактабни битираётган ёшларимиз Учинчи Ренессансга хизмат қилишга тайёрми?” деган саволга “Ҳамкорликда кўп тадбир ўтказганимиз. Энди катта бўлса, тарбияси билинади-да”, дейиш — ўз-ўзини алдаш. “Ҳа энди тарбия, маънавиятни ўлчаб бўлмайди-да. Бошям, охириям йўқ-ку”, дейиш “анъана”си тўхтади. Миллий гоиянинг тарбияда қандай қўлланаётгани амалда, ҳамма жойда, болаларимиз фазилатларида ҳар куни ёшига мос кўриниб, эшитилиб туради.

Маънавият ва маърифат, мафкуравий тарбия бизга Ватанининг ўғил-қизлари сифатида ишлаш ва яшаш бурчини эслатади. Учинчи Ренессанс нима учун, ким учун кераклигини халққа унинг орзулари билан боғлаб ўқитари, кўрсатади. Тушунган халқ гоия билан қўрланган халққа айланади. Ўз миллий гоиясини англаган халқни эса ривожланишдан тўхтатиб бўлмайди.

ИННОВАЦИОН ФИКРЛАШ

Учинчи Ренессанс натижаларининг қачон, қандай бўлиши ҳар биримизнинг инновацион фикрлашимизга боғлиқ. Бунинг учун инновацион яшаш ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимида айланиб, ҳар бир ўзбекистонлик ўз соҳасининг новатори бўлиши керак. Яъни ҳар бир тадбиркор, фермер, ўқитувчи, санъаткор, журналист, боғча тарбиячиси, имом, талаба, қурувчи, олим, провайдер, тикувчи, тарғиботчи, маҳалла раиси “Нима қилсам ишимнинг самараси ошади?” деб ўйласин. Ижод қилсин, бош қотирсин. Ўз ишига, ҳаётига янгиликлар киритиб яшасин. Ана шунда бахтининг ўзи унга қараб пешвоз чиқади. Ўзлуқсиз маънавий тарбия концепциясида ўн таянч лаёқатнинг бири инновацион фикрлаш этиб белгиланганининг ҳикмати шунда. Ҳаракатдан барака унади.

Утмишда бир кишининг инновацион фикрлаши бутун бошли халқни ҳалокатдан сақлаб қолганига мисоллар кўп. Шу аснода тарихий бир мисол эсга тушади. Дунёдаги энг катта гонорар II асрда Рим императори Марк Аврелий томонидан шоир-методист Олпианга берилган. Олпиан севги, ишқий ўртанишлар ҳақида эмас, балиқчилик ва ов қилиш қоидалари ҳақида 20 000 байтлик икки дoston ёзган. Император дostonларнинг ҳар бир сатри учун бир олтин тангадан қалам ҳақи беради. Чунки

Учинчи Ренессанс ким бунёд этади? Жавоби тайин: ўзида Ватанга садоқат, тадбиркорлик, ирода, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, масъулият, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни мужассам қилган ўзбекистонликлар.



“**Учинчи Ренессанс маънавияти ёшларимизни, халқимизни инновацион фикрлашга, ўйлаб яшашга ўргатишни талаб қилади. Бунинг учун нафақат болалар боғчалари, мактаб, лицей, олий таълим муассасалари, балки корхона, ташкилотлардаги тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар режасига инновацион фикрлашга ўргатиш вазифасини киритиш мақсадга мувофиқ.**”

одамлар бу дostonларни ўқиб, қуйлаб, эшитиб, балиқ тутиш, ов қилиш қоидаларини ўрганиб олади. Мана шу битта тадбир педагогик инновация халққа балиқ тутиш маҳоратини ўргатиб, уни очликдан сақлаб қолган.

Хуллас, Учинчи Ренессанс маънавияти ёшларимизни, халқимизни инновацион фикрлашга, ўйлаб яшашга ўргатишни талаб қилади. Бунинг учун нафақат болалар боғчалари, мактаб, лицей, олий таълим муассасалари, балки корхона, ташкилотлардаги тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар режасига инновацион фикрлашга ўргатиш вазифасини киритиш мақсадга мувофиқ.

МИЛЛИЙ ГОЯ — МИЛЛИЙ МОТИВАЦИЯ

Миллий гоия — халқ орзу-ниятининг ифодаси. У миллий ривожланишнинг янги талабларидан келиб чиқиб янгилаиб туради. Учрашувлардан бирида Президентимиз “Миллий гоия нима учун керак?” деган саволни ўртага ташлади. Жавобини ҳам бир жумлага жў қилиб, “Ватанини севиш учун”, деди. Учинчи Ренессанс биздан ана шу севгини — Ватани уйимиздек, халқимизни оиламиздек севишни сурапти. Чунки фақат севги инсонни янги, яхши келажак яратишга сафарбар қилади, қувватлантиради.

Учинчи Ренессанс ким бунёд этади? Жавоби тайин: ўзида Ватанга садоқат, тадбиркорлик, ирода, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, масъулият, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни мужассам қилган ўзбекистонликлар. Учинчи Ренессанс биздан жон, соғлиқ, маблағ эмас, мазкур фазилатларни ҳар куни амалда кўрсатишни сурайди. Ўз ишимизни ҳалол-пок, сифатли, виждонимиз назоратида бажаришни талаб этади.

Учинчи Ренессанс инсон маънавиятидаги ренессансдан сезилади ва бошланади. Бу эса миллий феъл-атворимизга маънавий инновациялар киритишимизни тақозо қилмоқда. Аслида энг қийин, аммо энг тўғри йўл ва

ресурс шу. Бу халқимиз характерини кучли фазилатлар — ирода, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, инновацион фикрлаш, тадбиркорлик билан кучайтиради. Бунинг учун ўта аниқ илмий, педагогик-психологик тадқиқотларни мунтазам ўтказиб боришимиз зарур. Улардан “Учинчи Ренессанс учун халқимиз характерига қайси фазилатларни кучайтириш керак?”, “Қайсилари бор?”, “Нималар етишмаяпти?”, “Қайси иллатлар (масалан, ҳасад, қуролмаслик, исрофгарчилик, лоқайдлик, ёлғон, меҳрсизлик, ғийбат...) Учинчи Ренессанс бошланишига ҳалал беради?” қабилида саволлар жой олиши керак. Буларни бир тизимга солиш учун жамиятни Учинчи Ренессансга тайёрлашнинг илмий-амалий дастурини ишлаб чиқиб, дадил жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки таъкидланганидек, Учинчи Ренессанс, аввало, ўзбекистонликларнинг маънавиятида, феъл-атворида рўй беради.

Маънавий Ренессанс қанча кучли бўлса, Учинчи Ренессанс шунча тез, самарали кечади. Ана шунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар маънавиятдаги, характеримиздаги ижобий янгилаишлар билан қўллаб-қувватланади. Бунинг учун илгари учраб турган “Маънавиятни ўлчаб бўлармикин?” каби иккиланлиш ва иштибохлардан воз кечишимиз керак. Зеро, аждодларимиз Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг илмдан қувват олиб бунёд этган. Демак, Учинчи Ренессансда ҳам “Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай” (Имом Бухорий ҳикмати).

Ҳар соҳанинг илми бор. Учинчи Ренессанс тарбия, маънавий-маърифий соҳанинг ихтисослашувиға боғлиқ. Ана шунда жамият ёшларимиздан кутаётган таянч фазилатлар, уларнинг реал ҳаётда қандай намоён бўлаётганини диагностика ўрганиш имкони яратилади. Натижада Ўзлуқсиз маънавий тарбия концепцияси асосида ҳар бир ўзбекистонликда таянч фазилатларни илмий асосда кучайтиришга эришилади. Учраётган маънавий қусурларни барҳам топтириш имкони бўлади. Бу жараёнда ҳар бир одам билан индивидуал, амалий ишлаш зарур.



“МЕН” ВА “БИЗ” УЙЎНЛИГИ

Президентимиз ўз чиқишларидан бирида “**Курашга тайёрланган, курашган одам ютади**”, деган эди. Учинчи Ренессанс биздан қийинчиликларга қарши курашга тайёр бўлишни талаб қилади. Бу тайёрлик барча соҳаларни қамраб олиши ва ҳамма жойда, ҳар биримизда намоён бўлиши лозим.

Масалан, халқ ўз тадбиркор ватандошларини, тадбиркорлар ўз халқини қўллаб-қувватлаши керак. Миллионга “мен”дан аҳил ва ягона “биз”га айланиш умумхалқ ҳаракати даражасига кўтарилиши даркор. Афсуски, бунинг акси ҳам учраб туради. Ўтган йиллари ҳайит байрамларида мамлакатимизнинг айрим шаҳарларида нарх-наво икки баробар кўтарилганини кўрдик. Баъзи шаҳарларда эса бир неча бор туширилганини ҳам кўрдик. Бу ҳолат коронавирус шароитида талабаларга такси хизмати кўрсатиш, дори-дармон савдосида ҳам кузатилди. Кимдир ватандошим, деб савоб учун бепул хизмат қилса, кимдир нархни икки-уч барабар оширди. Ҳолбуки, ҳар бир ўзбекистонликнинг бир-бирида ватандошлик ҳақи ва бурчи бор. Демак, миллий гоия — мотивациянинг таъсири, рўёби иқтисодиётда, кундалик ҳаётда кўриниб турса, Учинчи Ренессанс йўлида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар аҳил бўлса, биз янада жипслашамиз.

Миллий гоия одамларга Учинчи Ренессанс ким ва нима учунлигини, ҳаётини аҳамиятини тушунтиради. У берган мотивация ётганини ўтиришга, ўтирганни туришга, турганини юришга, юрганини югуришга ундайди. Рағбат бериб, шавқлантиради. Тушунтиради. Чунки Ренессанс нега кераклигини билмаган, тушунмаган одамлар бирлашмайди. Қўйилса ҳам кўр-кўрона, юзаси ишлайди. Бири ишласа, иккиси томошабин бўлади. Миллий гоияда ўз манфаатини кўрганлар бирлашиб, ихтиёрий, шавқ билан ишлайди. Натижада ҳаётидан рози бўлади.

Миллий гоиямизнинг ижтимоий мазмун-моҳиятини бир сўзда ифодаласак, бу — розилик, демакдир. Бу тушунча Учинчи Ренессанснинг тушуниш ва тушунтириш, амалга ошириш учун фундаментал, жипслаштирувчи асос бўлади. Зеро, миллий гоия рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини бахтли деб ҳис қилиши ҳамда унинг шукронасида — ҳаётдан розилигида намоён бўлади.

Албатта, буларнинг барчаси учун тинчлик, мустақилликни жон қадар мустаҳкам, қафолатли ҳимоялашимиз керак. Мустақиллик ҳарбий, гоиявий ва сиёсий ҳимояланади. Бу ўринда ҳам ўтмишдан сабоқ чиқариш зарур. Биз ҳар гал мустамакка бўлиб, оёқ-қўлимизга гулу кишан тақилганида бир нарсадан — халқнинг бирлашмаганидан афсусланганимиз. Халқнинг бирлашмагани сабаби — ҳаммамни “биз” деган байроқ остига бирлаштирадиган гоия бўлмаган. Натижада “биз” бўлиб енгадиган куч “мен”ларга парчаланиб, мағлуб бўлган.

Бугун бизда “мен”ларни “биз”га айлантирадиган гоия бор. Бу — Учинчи Ренессанс гоияси. Барпо этилаётган Учинчи Ренессанс пойдеворини гоиявий ҳимоя қилишимиз керак. Биз уни превентив, ўз вақтида ҳимоя қилмасак, уни бузишлари мумкин.

Чунки бизга узоқлардан аламнок тикилиб, давлат ва халқ орасига пона қоқишга уринаётганлар бор. Бу — маънавий, гоиявий ҳужум. Уларга жавоб беришимиз ва жавобимиз илмий асосда бўлиши керак. Нима учун?

“**Миллий гоиямизнинг ижтимоий мазмун-моҳиятини бир сўзда ифодаласак, бу — розилик, демакдир. Бу тушунча Учинчи Ренессанснинг тушуниш ва тушунтириш, амалга ошириш учун фундаментал, жипслаштирувчи асос бўлади. Зеро, миллий гоия рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини бахтли деб ҳис қилиши ҳамда унинг шукронасида — ҳаётдан розилигида намоён бўлади.**”

Чунки илмий асосда бўлмаса, қилаётган тадбирларимиз бир марталиқ, ўткинчи бўлиб қолади. Шу маънода, миллий гоия тарғиботини илмий асосга қуришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ниҳоятда зарур.

ТАРАҚҚИЁТ МУХОЛИФЛАРИ

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс ибораси ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилина бошланди. Кимлардир “Мана бу бошқа гап”, деб ўрнидан туриб, олқишлади. Кимдир мамнун жипламади. Кимлардир ўйланиб қолди. Кимлардир... саросимага тушди.

Афсуски, ҳамма кўриб турган нарсаларни кўрс ҳам “кўрдим”, демайдиганлар учрайди. Facebook, YouTube саҳроларида сарганд, қилмишларидан дили тўла армон, ёмонламаса, оч қоладиган кўролмасвойлар бор. Уларни ислохотларимиз шиддати доводиряпти, эсанқиратяпти. Ўзбекистонда сўнгги тўрт йил ичида 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етгани куйдирапти. Илмга рағбат ва кўпроқ оқддий оилаларнинг фарзандлари талаба қилишни қийнапти уларни...

Ўз давлатидан рози ота-оналарнинг дуолари ёндирапти уларни. Айниқса, жонажон Ўзбекистонда ҳамма соҳада тўхтовсиз юксалиш, янгилаиш, яхшилаиш ва уйғонш қузатилаётгани уларни бедор қилляпти.

Ана шундайларнинг нафасидан тарқаладиган гоиявий вируслардан келажак авлодни ҳимоя қилиш лозим. Бундан ҳам яхшиши, ёшларимизни ёт гоиялардан, ёвз кучлардан ўзини ҳимоя қилишга ўргатиш. Чунки билимсиз ёшлар кўп ва тез алданади. Билимсиз йигит-қиз дисплекдаги фирибгарнинг сохта самимияти, ширин сўзига учади. Адашади. Алданади. Фирибгарлар чиройли табассум билан ёқимли сўзласа, ўзбек эриб кетишни яхши билади. Ана шунда танқидий таҳлил деворидан ошиб ўтса, бўлди — ўлжа қўлда.

Бизнинг Учинчи Ренессанс ҳақидаги эзгу ниятимизни эшитган айримлар ўртанмоқда. Уларга ҳам қийин. Фитна-фасод кўзгамай деса, тирикчилик қилиш керак. Фитнасини факт билан урсанг, “Нега?” деб ёзғиради. Қор ёғса ҳам, ёғмаса ҳам, қуёш чиқса ҳам, шамол турса ҳам, тинса ҳам ватанини ёмонлайди. Маънавиятни ёмонлайди. Чунки у ислохотлар натижаларини мисоллар билан гапиряпти. Уйсизлар уйли бўлаётганини, йиллаётган камбағал қулаётганини мисол келтириб, ёниб тарғиб қилляпти. Қўролмасвойнинг фикрича, яратилаётган қулайликларни, халқ ризоликларини гапирсанг — маддоҳсан. Қуриб, кўрмадим, деб жим, ношўр юрсанг — уларга дўстсан. Қўшилиб ёмонласанг, биродар, жонажонсан. Бугунги фирибгар алдаш илми — нейролингвистик дастурлаштиришнинг ҳадисини олган. Демак, ҳар бир йигит-қиз бу дастур нималигини ҳам олдиндан билиб қийиши керак. Билимни қалқон қилиб, ёшларимизга тренингларида ўзини ҳимоя қилишни машқ қилдириб, ўргатиб боришимиз лозим.

Ривожланган давлатлар тарихига қарасак, айнан таълим-тарбия ва фанга сармоа киритиш Фарб цивилизациясини кескин иқтисодий гуллаб-яшнаётганини кўраимиз. Тарбия, таълим — инсон капиталига киритиладиган педагогик инвестиция. Унинг афзаллиги шундаки, инсонга бир марта эмас, бир умр фойда келтиради. Ҳар бир йигит-қизга ҳаётда ўз ўрнини топишни ва ўзини ўзи бахтли қилишни ўргатади.

род Маткаримов. Шунингдек, “Инсон”
қўшиғи мусика муҳаррири Дилмурод
Авазов, клип режиссери Санжарбек
Маткаримов, директор Илс Дада-
боевнинг меҳнатлари самарасидир.
Қўшиқчи Озодбек Назарбеков,
Дилфурӯс Рустамова, Олег Газманов,
Омиркул Айнязов, Зафар Абдул-
лимов, Рафат эл-Роман, Аҳмад Ал-Ху-
раййиб, Алессандро Сафина каби
машҳур санъаткорлар ихро этган.



25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари кун

БАРЧА САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ВАТАНИНИ СЕВАДИГАН, ҚАЛОЛ ВА АДОЛАТЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ҚАРАТИЛГАН



Баҳодир МАТЛЮБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ академияси
бошлиғи,
генерал-лейтенант

Тинчлик ва осийшталликни сақлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Айниқса, бугунгидек дунё таҳликалар ичра қалқиб турган, сиёсий низолар, ахборот, халқаро терроризм ва экстремизм хуружлари авж олган бир даврда ички ишлар органларининг масъулияти янада ошади.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамиятнинг барча соҳа ва тармоқларини юксалтиришнинг “йўл харитаси”га айланди. Мамлакат аҳолисининг тинч яшаш ҳуқуқини таъминлаш миллий манфаатларимизни рўйга чиқаришнинг муҳим воситасидир.

Айни пайтда юртимизни тараққий этган давлатлар қаторига қўйиш, жамиятимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янгича тизими яратилди.

“Қонун ва адолат — устувор, жиноятга жазо — муқаррар”, “Одамлар ички ишлар органининг ҳар бир ходимида ўз ҳимоячисини қўриши керак” каби тамойилларни қарор топтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, биринчи навбатда, ички ишлар органларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш муҳим масаладир.

Юртимиздаги барча олий таълим муассасаларидаги каби ИИБ академиясида ҳам ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Жумладан, курсант ва тингловчиларимизнинг фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уларни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибini, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ички ишлар органлари тизимида туб ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу фармон асосида ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими “**халқ манфаатларига хизмат қилиш**”ни ўз бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш ишлари бошланди. Замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва қўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлимларининг вазифа ва функциялари анққ белгиланди ва тақсимланди, ташкилий-штат тузилмаси мақбуллаштирилмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашишда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Ислохотлар жараёнида ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган,

сифатли кадрлар тайёрлашнинг профессионал тизими ташкил этилди. Базирлик академиясига номзодларни қабул қилиш квоталари 200 тага оширилди.

Ислохотларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори академия фаолиятини тубдан ислох қилишнинг ҳуқуқий асосларини оидинлаштириб берди. Бу каби принципал масала айнан бугунги замоннинг хусусиятидир. Бугунги ҳодим янгиларга зийраклик ва эпчиллик билан мослаша оладиган, ўқимишли, юксак маънавиятли ва қатъий тартиб-интизом соҳиб бўлиши касбий заруратдир.

Президентимиз қарорига мувофиқ, академиянинг кундузги таълим шаклида сифат жиҳатдан янги тизим асосида “Тергов фаолияти”, “Тезкор-қидирув фаолияти”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти”, “Эксперт-криминалистик фаолият”, “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолияти”, “Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш фаолияти”, “Жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти” мутахассисликлари бўйича олий маълумотли юридик кадрлар тайёрланмоқда. Сиртки таълим факультети қайтадан ташкил этилди. Академиянинг олий ўқув юртидан кейинги таълим факультетида юридик фанларнинг тегишли ихтисосликлари бўйича таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик шаклларида олий малакали илмий

буюк саркардаларимиз ва улўф мутафаккирларимизнинг сиймолари тасвирланган бюстлар ўрнатилган. Ушбу сиймоларнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маънога эга. Хусусан, Амир Темиур адолат, бунёдкорлик, улўфворлик ва халоскорлик тимсоли, Имом Бухорий имон ва эътиқод, Бурхониддин Марғинойий динъат ва инсоф, Муҳаммад Мўсо Хоразмий етуклик ва ҳисоб-ки-тоб, Аҳмад Фарғоний фаровонлик, Юсуф Хос Ҳожиб одоб ва ахлоқ, Маҳмуд Қошғарий туркий халқлар ҳамдўстлиги, Абу Райҳон Беруний тафаккур, Ибн Сино саломатлик, Абу Наср Форобий ҳикмат, Аҳмад Ясавий ҳалоллик ва поклик, Жалолiddин Манғуберди мардлик ва жасурилик, ватанпарварлик, Мирзо Улўбек зехн ва заковат, Алишер Навоий миллий адабий тилимиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобур садоқат ва вафодорлик тимсолидир. Президентимиз таъкидлаганидек, бу каби қўллаб-даҳолат номини нафақат ислом, айни вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган. Яқинда саф майдонидаги улўф аждодларимиз бюстлари қаторига буюк адибларимиз Чўлпон ва Бердақнинг маҳобатли ва қўркам бюстларини тантанали равишда ўрнатдик.

Академиянинг муқаддас саф масканига ташриф буюрувчилар бир вақтинг ўзида буюк аждодларимиз ва ислом оламининг энг ёрқин ўн етти нафар намояндасининг маҳобатли сиймолари билан юзлашади. Жаҳонга донг таратган ушбу беназир зотларнинг илмий-маънавий мероси, ибратли ҳаёти, таълимоти бугунги муаммо-

фаолият кўрсатиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, академия Маънавият ва маърифат марказида “Академия” ҳамда “Чўлпон” музейлари ташкил этилди. Музейларда мақсадли ўқув машғулотлари ўтказиш назарда тутилган.

Таълим сифатини ошириш мақсадида академияда дастлаб янги авлод таълим стандартлари ва улар асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Ўқув юктамаларида мутахассислик фанларининг ҳиссаси 13,2 фоиздан 40,0 фоизга оширилди. Амалий машғулотлар ҳажми 19,1 фоиздан то 50,0 фоизга етказилди. Жойлардаги ИИОларда кафедралар филиаллари сони бугунги кунда 17 тага етказилди. Курсант ва тингловчиларнинг стажировка ва амалий тажриба ўтиши бир ярим ойдан 4 ойгача узайтирилди. Бу эса тайёрлаётган кадрларимизнинг эгаллаётган касбининг сир-асрорларини пухта билишига ва халқ билан мулоқот қилиш маданиятини оширади.

Бу ерда ИИО бўлажак кадрларининг мард, жасур, доворак ва жисмонан бақувват бўлишига жиддий эътибор қаратилаётир. Бугун академияда спортни янада оммалаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедрасида самбо, жанговар самбо ва дзюдо, қўл жанги ва эркин кураш, хизмат кўпураши ва енгил атлетика, футбол, волейбол спорт секциялари мунтазам ишлаши учун спорт комплекси тубдан модернизация қилинди. Ётиқ сув хавзаси қурилди. Бу тингловчи ва курсантларнинг сузиш сир-асрорларини ўргатишга ва уларнинг жисмонан чинқишларига хизмат қилади.

Академиянинг ҳарбий дала ўқув маркази ўқув-моддий базаси бутунлай янгиланди. Бундайин янгиланиш тингловчи ва курсантларнинг тегишли мутахассислик (йўналиш)лар бўйича тайёргарликларини такомиллаштириш, таълимнинг сифатини ошириш, замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали таълим олувчиларни амалий фаолиятга йўналтиришга қаратилган. Шунингдек, марказ мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни назария ва амалиётнинг бевосита алоқадорлиги ҳамда реал тезкор-хизмат вазияти муҳитида ўтказиш учун шарт-шароитни таъминлаш мақсадини кўзлаган. Мутахассислик (йўналиш)лар бўйича қатъий касбий маҳорат ва кўникмалар ҳосил қилиш, ички ишлар органларининг тегишли тезкор-хизмат, касбий ва бошқа вазифаларини бажаришда бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигини ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш, тингловчи ва курсантларнинг ички ишлар органлари амалиётидаги хизмат вазифаларини бажаришга мослашиш муддатини қисқартириш, ички ишлар органлари хизматининг обрўсини юксалтириш ва уни оммалаштиришдан иборат.

Эндиликда академияда илгор хорижий мамлакатларнинг 12 та турдош таълим муассасалари, айниқса, Хитой, Россия ва Туркия амалиётдан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликда ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида илм-фан ютуқлари, инновацияларни воситалардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи ўқув жараёнини ташкил этишга устуворлик берилди. Бу борада мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ситуацион полигон ҳамда симуляция марказини ташкил этиш ҳам назарда тутилмоқда.

Келгусида бу ерда видеоконференцалоқ тизими орқали таълим жараёнига маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларидаги тажрибали мутахассислар жалб қилинади ҳамда тўлиқ платформадаги масофадан ўқитиш тизими амалиётга татбиқ этилади. Шунингдек, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш, инновацион ўқитиш усулларидан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш, моддий техник базани энг сўнгги ахборот-коммуникация воситалари билан янада бойитиш режалаштирилмоқда.

Юқоридаги саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси ИИОда амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий қисми сифатида ички ишлар органлари учун малакали, профессионал, энг муҳими, Ватанини севадиган, ҳалол ва адолатли кадрларни тайёрлаш йўлида бор-куч гайратимизни сарфлашга қаратилган.

Зулфия МЎМИНОВА, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Она ватанимиз осудалиғи, тинчлиғи посбонлари — ички ишлар органлари ходимлари кун байрами яқинлашгани сари бир қаламқаш сифатида мени алланечук ҳаяжон кўршаб олади. Уларга мана шу мунаввар тонлар, барокотли кунлар учун миннатдорлик сўзларини айтгим келади.



Шаҳар ва қишлоқларимиздаги файзу тароват ҳушёр нигоҳларингиз, жасурилингиз, ботирлигингиз, адолат ва юртга муҳаббатингиз тўғрисида.

Ил-ўн икки ой гулга ўранмиш мафтункор ватанимизда фасллар келинчаги баҳордан тортиб, саратоннинг куйдирғич офтоби, қишнинг қилич қайраган аёзли кунларида ҳам биз беҳавотиримиз, чунки сиз борсиз.

Эрта тонгда юртимиз мусулмонлари бомдод намозиға уйғонади, тонгда очилган аттирғуллар шоҳига бўлбуллар қўниб, дилларни эркалайди. Дуоларимиз Яратган эгамга етсин. Биз тинчмиз, шафоят ва фароғат ичрамиз. Шўр, сиз борсиз.

Бунн ҳаёт дейдилар, унда ҳаммиша яхшилиқ ва ёмонлик, қаҳр ва меҳр ўрта-сида кураш давом этади. Аммо ҳаммиша яхшилиқ ғалаба қилади, кечикиб бўлса-да, машаққатлар эвазига бўлса-да, адолат қарор топади. Қўз ёшларни артувчи, энг оғир вазиятда ёрдам қўлини чўзувчи, буниси оқ, буниси қора, деб айтиш учун сиз борсиз.

Маънавий ва маърифий анжуманларда, диплом топиришдек ҳаяжонли тадбирларда, ички ишлар академиясига бориб тураман. Кейинги йилларда бу ўқув масканида таълим олиш учун ариза топширганлар сони тобора ошиб бормоқда. Фарзандлари ушбу илм даргоҳида ўқиниш ҳар бир ота-она истайди. Шаффоф ўтаётган тест ва жисмоний синовларнинг ўзидеёқ ёшларимизда келажакка ишонч руҳи ошмоқда. Уларнинг ортида турган ота-оналар ва устозларнинг қувончига таъриф йўқ. Чунки ушбу академияга энг билимлилар, чинққанлар ва энг қучилар саралаб олинди. Дунё хавас қилса арзигулик ўқув аудиториялари, техник жиҳозлар, ўқув корпуслари, спортнинг барча турлариға мослашган машғулот заллари ёшларни ўзига оҳанрабодек тортади. Яшил арчалар, анвойи гулларға бурканган бу муқаддас даргоҳда ҳар кун талабалар ўзбекининг генераллари, полковниклари, подполковниклари, фан докторлари, профессор ва доцентларидан андоза олади. Улардан шу ватанга садоқат билан хизмат қилиш сирларини ўрганади. Ўқиниш битириш ҳам улар хизмат жойларида яна тажриба ўрганиш учун устозларға бириктирилади. Темир иродали устозлардан таҳсил олган ҳар қандай шоғирд пўлатдек тоблангани учун ҳам қилни қирқ ёра оладиган даражаға етади. Ёш кадрларнинг бу қадар етук мутахассис бўлиб етишишларида билим ва маҳоратингиз, талабчанлигингиз уларға ўрнат.

Халқимизда бир ҳикмат бор: донишманд устозлар бор жойда доно шоғирдлар бўлади. Раҳмат, яхши ҳам сиз борсиз.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз бундай деди: “**Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгилликларни ўқув жараёнида татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илгор вакиллари бўлиши шарт**”.

Ички ишлар академиясида бугун мамлакатимиз микёсида катта обрўға эга устозлар ёшларға таълим бермоқдалар. Мен хизмат сафарларим таассуротлари асосида ёзган “Темир одамнинг шоғирди”, “Отадек қаттиққўл, отадек меҳрли”, “Менинг академиям — менинг устозим” каби мақолаларида бу ерда хизмат қилаётган илм даргаларининг шоғирдлари эътирофини ёритганман. Уларнинг суҳбатларидан бу даргоҳда, тизим учун кадрлар тайёрлашдек улўф мақсадға хизмат қилаётган катта ҳарфлар билан ёзиладиган фидойи шахслар турганини олам-олам ҳурмат ва эҳтиром туйғуларида ҳис этганман.

Касблар бор — бир йилда бир марта синовдан ўтиб туради. Касблар бор — уч йилда бир синовдан ўтиб туради. Аммо сиз ҳар кун синовдасиз. Чунки сиз эл назаридасиз. Кўздан йироқ эмассиз. ОАВ, интернет тармоқлари, ҳар қил сайтлар, каналлар қаҳрамонларисиз.

Жарроҳлик амалиётига қон етишмани учун ёрдам сўраб мурожаат қилган шифокорларнинг қабулхонасида қатор бўлиб қон топираётган — сиз.

Сув тошқинидан гўдақларни елкасида кўтариб чиқиб келаятган ҳам сиз. Ярим тунда боласи билан қаерға боришини билмай, бекатда йўғлаб ўтирган аёлни совуқда музлаб қолишдан қутқариб қолган, маҳаллий ҳокимликка мурожаат қилиб, унинг уйли бўлишиға сабабчи бўлган ҳам сиз.

“Бир қўрқинчи махлуқ қишлоқларимизға оралаб, чорва молларимизни бўғизлаб кетмоқда, ўзимизнинг ҳам ҳаётимиз хавф остида”, деб хавотирланаётган ҳамюртларимизни тинчитиш учун зах зовурларда, қоронгу ҳар ёқаларида, қабристоннинг совуқ сукуностида беш кечаю кундуз ўқламаздан пойлоқчилик қилиб, “қўрқинчи махлуқ” — чиябўрини отиб, аҳоли олдиға келтириб ташлаган ҳам сиз. Беномуслар бозор халтаға солиб ташлаб кетган мурғак чақалоқни қоронғу кўчадан топиб олиб, то тез ёрдам машинаси етиб келгунча бағриға босиб овутиб турган ҳам сиз.

Тошбағирлар ахлатхонаға ташлаб юборган чақалоқни қутқариб, биринчи ёрдам кўрсатиб, жажжи нобуд бўлмаслиғи учун ҳамширалардан-да қачонлик билан мурғакни артаётган, бутун халқни дуосини олаётган ҳам сиз.

Бировнинг мулкиға босқин қилиб, жонига қасд қилаётган ваҳший тўда билан олишиб, жабрдийдаларни асраб қолиб, ўзингиз ярадор ҳолда “Ҳечқисми йўқ, ахир биз хизматдамыз”, дейдиган ҳам сиз.

COVID-19 вируси — кўзға кўринмас ёв билан “жанг”да олдинги қаторда шифокорлар ва сиз — ички ишлар ходимлари бўлдингиз.

Ҳамма жойда ҳаёт тўхтаб қолгандек бўлган бир вақтда — карантин шароитида сизнинг масъулиятингиз икки баробар ошди.

Карантин юмшатилди, қоидаларға амал қилган ҳолда ҳаёт ўз изига тушиб бормоқда. Аммо сиз қандай интизом билан ишлаётган бўлсангиз, худди ўшандай давом этмоқдасиз. Мавлоно Румий айтдики: “Биз замоннинг наинки жону дили, балки байроқдоримиз”.

Буюк бобомиз минг йиллар олдин айтиб кетган ушбу ҳикматли сўз ҳар бир ички ишлар ходимига даҳлдор. Сиз нафакат замонамизнинг жони, балки унинг дардига дармон, қўқисига қалқон, бақувват байроқдори, садоқатли суянци бўлдингиз. Эзгу мақсадлар йўлида ақлу идрокни, керак бўлса ширин жонини баҳсида этаётган фидойи жонларсиз. Яхшиям сиз борсиз.

Ҳар жума кунлари нур таралаётган масжидлар ёнида қатор туриб намоз-хонларимиз тинчлиғи ва осудалигини таъминлаб турасиз. Масжид ташқарисида турсангиз-да, хизматингиз ибодатға қабул бўлсин. Эл-юрт томирига юрак томирлари ила боғланган мардлар, байрамингиз муборак бўлсин!

СИЗ САЛОМАТ БЎЛИНГ, СИЗ ОМОН БЎЛИНГ!

Байрамнингиз кўтлуг, шараф-шон бўлинг, Тинчликка қалқонлар, бахтга ҳамдамлар. Сиз саломат бўлинг; сиз омон бўлинг. Темир иродали, олтин одамлар.

Олам нурға тўлган, атроф олтин куз, Сизга ҳамроҳ бўлсин дилором дамлар. Таъзимимиз сизға, сизға эҳтиром, Темир иродали, олтин одамлар.


Сизгадир элимнинг дуо сўзлари, Захматла Аллоҳға яхши одамлар. Елкангизға қўнган бахт юлдузлари, Темир иродали, олтин одамлар.

Аждодлар мероси

Жўрабек СОДИҚОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Тарихда Мовароуннахр деб номланган, эндиликда унинг аксар қисмини ўз ичига олган Ўзбекистон ислом дини илмий меросига бекиёс ҳисса қўшган юзлаб беназир алломалар таваллуд топган муборак заминдир.

БЕБАҲО ХАЗИНА



Бугун буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросига бўлган муносабат, ҳурмат ва эътибор кун сайин ошиб бормоқда. Миллий-диний қадриятларнинг тикланиши йўлида, шубҳасиз, ўзларининг сермахсул изланишлари ва ижодлари билан бугунги илмий-маърифий соҳаларида юзлаб асар ёзиб қолдирган алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу ўринда Президентимизнинг: “Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилди. Жумладан, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, буюк ва азиз авлиёларимизнинг хотираси, меросини қайта тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича жуда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Бунинг учун барчамиз Аллоҳга шукрона келтириб, сиз, муҳтарам уламолар, имомхатиблар, жамоатчилик вакиллари билан бирга, динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттиришимиз керак”, деб айтган сўзларини эслаб ўтиш лозим.

Замондош олимлар томонидан бу борада қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Албатта, бундай тадқиқотлар жамиятимиз учун ҳар томонлама муҳим бўлган маънавий қомил инсон тарбияси, қолаверса, соғлом диний тафаккурни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ислом динининг энг муҳим, айни вақтда нозик жиҳатларидан бири бўлган эътиқодга оид масалаларни ўрганишда ақида илмининг юзага келиши ва унинг тараққиёти, мутақаллимларнинг ҳаёти ва асарлари унинг тарғиб этишда асосийроқ қисмни ўйнайди. Диний-ақидавий масалаларни илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш бугунги кун учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгалиги ушбу мавзунинг нақадар долзарблигини кўрсатади.

Қомил инсон тарбияси, миллий ўзлиқни англаш, қадриятларни тиклаш ва жонлантиришда миллий-

маънавий меросимизнинг ўрни бекиёс. Аждодларимиз қолдирган меросда бугунги ва эртанги кунимиз учун ибратли ва муҳим аҳамиятга эга фикр-мулоҳаза, чуқур маъноли ҳикмат ва насиҳатлар ўз аксини топган ҳамда уларнинг ҳар бирини ўрганиш бугунги илмий-маърифий соҳадаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ислом динининг мусаффолигини сақлаш, унинг номини қора қилишга уринганларга муносиб жавоб бериш, илоҳий қадриятларни тўлароқ ўрганиш борасида ватандошимиз Абу Мансур Мотуридидийнинг қарашлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, алломанинг Қуръон оятларини тафсир қилиш услуби ва фикрлари ҳозирги кунда нафақат юртимиз, балки бутун дунёда турли дин ва эътиқод вакиллари ўртасидаги муносабатларни яхшилашда ҳамда мутаассибликнинг олдини олишда қимматли манба ҳисобланади.

Шу сабабдан мустақиллик йилларида Абу Мансур Мотуридидий шахсияти ва илмий меросига алоҳида эътибор билан қарала бошланди, мангу кўнмин тоғлан масканлари обод этилди. Айниқса, бу борада аллома ва унинг издошлари меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлари янада чуқурлаштириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги қарори билан Имом Мотуридидий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши муҳим янгилик бўлди.

Аллома ҳаёти ва илмий фаолияти борасида қатор ишлар қилинган. Лекин аллома мутақаллим, яъни ақидашунос олим тафсир илмида ҳам кўзга қўрилган шахс бўлганини бугун ҳамма ҳам билавермайди. Юртимиз тадқиқотчиларининг асарларида ҳам, асосан, Абу Мансур Мотуридидийнинг ақида илмига бағишланган илмий мероси кенгроқ ёритилган.

Шу нуқтаи назардан, алломанинг “Таъвилот аҳлис-сунна” ёки “Таъвилот ал-Қуръон” номи билан танилган тафсири илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш бугунги кун олим ва тадқиқотчилари олдидаги муҳим вазифалардан биридир.



Ҳажим ҲУДОШЕВ олган суратлар.

Маданият



Амиркул КАРИМОВ,
Халқаро “Олтин мерос”
хайрия жамоат фонди раиси

Ўзбек халқи нафақат моддий, балки бой номоддий маданий меросга ҳам эга. Бу номоддий мерос асрлардан-асрларга аждодларимиз томонидан авлодларга етказиб келинмоқда. Истибод йилларида бутун халқимиз каби номоддий меросимиз ҳам қўплаб тазйиқларга учради. Аммо халқ бу хазинани қалб қўри билан истиқлол йилларигача омон сақлаб келди ва оламга намоён этишга киришди.

Шу ўринда, аввало, номоддий мерос нима, деган саволга қисқа жавоб қилсак. Номоддий мерос муайян бир халқнинг асрлар давомида шаклланган оғзаки ижоди, ижрочилик санъатлари, жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари, табиат ва қоинот билан боғлиқ билимлари, анъанавий ҳунармандликка оид билим ва кўникмаларидир.

Мамлакатимиз 1992 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлгач, Бойсун маданий муҳити, “Шашмақом”, Катта ашула, Наврўз байрами, Аския, Палов маданияти ва анъаналари, Адрас тўқиш каби номоддий меросимиз намуналари ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилди.

Номоддий мероснинг 4 та алоҳида рўйхати юритилади. Булар — зудлик билан муҳофазаси остига олиниши лозим бўлган номоддий маданий мерос объектлари рўйхати, номоддий мероснинг репрезентатив рўйхати, номоддий мероснинг миллий рўйхати, номоддий мероснинг маҳаллий рўйхати.

Бирор мамлакат ўзида юритилаётган номоддий мерос миллий рўйхатидан қайсидир номзодномани ЮНЕСКОнинг зудлик билан муҳофазасига олиниши лозим бўлган рўйхатига ёхуд репрезентатив рўйхатига киритиши мумкин. Бунинг учун ЮНЕСКОнинг ўз талаблари ва тартиблари мавжуд. Мамлакат агар бу йил бир номзодномани ЮНЕСКОга киритса, муайян вақт у янги миллий номзодномани бошқаларга ҳам навбат тегиши учун тақдим этмай туради. Агар у миллий эмас, кўп миллатли (бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликдаги) номзоднома тақдим этса, унда ҳар йили номзоднома тақдим этиши мумкин бўлади.

Айни пайтда номоддий меросимизнинг миллий рўйхатидан юздан ортиқ номзоднома ўрин олган. Уларни босқичма-босқич тизимли равишда ЮНЕСКО рўйхатларига киритиш, жаҳон аҳлига кўз-кўз қилиш Маданият вазирлиги, тизим ихтиёридаги илмий муассасалар, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, қолаверса, соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларнинг биргаликдаги вазифаларидандир.

Буни дилдан ҳис этган Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди 2016 йил ноябрё ойдан миллий рўйхатимиздаги “Хоразм рақси — лазги” номзодномасини ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига тақдим этиш ташаббуси билан чиқди. ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия бу ташаббусимизни қўллаб-қувватлагача, фонд марказий офисида ва Хоразм вилоятида мутахассис ва олимлар, ташаббускорлардан иборат ишчи гуруҳлар тузилди.

Хоразмдаги ишчи гуруҳ фаоллари, жумладан, фонднинг Хоразм вилояти муассасаси раиси Қомил Нуржонов ва Ўзбекистон халқ артисти, лазги рақси билимдони, ҳам амалиётчиси Гавҳархоним Матёкубова маълумотларни жамлаш юзасидан дастлабки ишларни амалга оширди. Кейин “Олтин мерос” фондида мутахассислар вазифаларни

тақсимлаган ҳолда изчил иш олиб борди. ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиянинг собиқ котиби Алишер Икромовнинг қатъияти, маслаҳатлари билан 5 ойдан ортиқ вақт ичида ЮНЕСКО талаблари акс этган шакл тўлдирилиб, лазги тарихи ва бугуни акс этган 10 дақиқалик фильм суратга олинди. Лазгининг халқчиллиги ва латофати, оммавийлиги акс этган 10 та чиройли сурат танланди. Г.Матёкубова лазги ҳақида рисола тайёрлади. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан

30 дан зиёд давлат ва жамоат ташкилотдан ушбу номзодномани қўллаб-қувватловчи мактублар йиғилди. Уларнинг барчаси инглиз тилига таржима қилиниб, махсус компакт дискка жамланган ҳолда, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиямиз орқали Парижга етказилди. ЮНЕСКО бош қароргоҳидаги элчимиз уни ЮНЕСКОга тақдим этди. Шундан сўнг 2 йил давомида биз номзоднома юзасидан ЮНЕСКО билан ёзишмалар олиб бордик. Номзодномани тақомиллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этдик. Ниҳоят, 2019 йилнинг 12 декабрь кунини тунда Колумбиянинг Богота шаҳридан “Хоразм рақси — лазги” номзодномаси ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилгани ҳақида хушхабар олдик. Мавриди келганда бутун халқимизни, айниқса, номзодномани тайёрлашда жонбозлик кўрсатган олим мутахассисларни бу муваффақият билан чин юракдан



“ЮНЕСКО бош қароргоҳидаги элчимиз уни ЮНЕСКОга тақдим этди. Шундан сўнг 2 йил давомида биз номзоднома юзасидан ЮНЕСКО билан ёзишмалар олиб бордик. Номзодномани тақомиллаштириш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этдик. Ниҳоят, 2019 йилнинг 12 декабрь кунини тунда Колумбиянинг Богота шаҳридан “Хоразм рақси — лазги” номзодномаси ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилгани ҳақида хушхабар олдик.

табриклайман. Улар номзодномани тайёрлашда беғараз, ишдан ташқари вақтларида бирор таъмасиз меҳнат қилди. Бу қадриятларимизга ҳақиқий муҳаббатнинг ифодаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозиргача ЮНЕСКО томонидан Туркиянинг “Мавлави само” (2005), Аргентинанинг “Танго” (2009), Перунинг “Қайчи” (2010), Ҳиндистоннинг “Чхау” (2010), Франциянинг “Мало” (2009), Испаниянинг “Фламенко” (2010), Малавийнинг “Мвино” (2014), Саудиянинг “Ал-мизмар” (2016), Кениянинг “Уоканада”, Кубанинг “Румбо” (2016) каби 15 га яқин рақс репрезентатив рўйхатига киритилган.

Энди бевосита халқимиз ижрочилик санъати ва лазги рақсига келсак, ҳамюртларимиз ўзбек миллий рақс

санъатининг 5 та фарқли мактаби шаклланганини яхши билади. Булар Фарғона-Тошкент, Хоразм, Бухоро-Самарқанд, Қорақалпоқ, Қашқадарё-Сурхондарё рақс мактабларидир. Бу мактаблар бир-биридан ўзига хослиги, жозибadorлиги, элементлари, ҳаракатларининг маҳаллий колорити билан фарқ қилади.

Миллий рақс санъатимиз аниқ ритм-усулга асосланади ва ҳаракатлар оҳанг ўзгаришига монанд равишда тизимга солинади. Юқорида қайд этилган дастлабки уч мактаб пайдо бўлиши шу ҳудудларда мавжуд бўлган Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги, Хоразм хонлиги ҳукмронлиги билан изоҳланса, қорақалпоқ миллати вакиллари-нинг жорий ҳудудга келиб жойлашиши Ўзбекистонда рақс мактабларини янги кўриниши шаклланишига омил бўлди. Қашқадарё ва Сурхондарё мактаби эса азалдан халқона фольклор унсурларини жамлагани, эркин импровизацияси билан ўзига хосдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам рақс мактабларининг қўлиги ЮНЕСКО томонидан алоҳида ҳурмат қилинадиган маданиятнинг теран ва ранг-баранглиги нишонасидир.

Рақсинг барча турлари каби лазгининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Бу тарихи мана шу мўътабар заминимизда асрлар бўйи яшаган она халқимиз тақдир билан уйкаш ва ҳамоханг кечган. Мутахассислар лазги тарихининг айрим ҳаракатларини инсон яралиши билан боғлайди. Халқимиз даҳосининг дурдоналари билан бўлган қадим “Авесто” ҳам ушбу рақс шаклланишида муҳим ўрин тутган. Жаҳон тарихи фанининг асосчиларидан бири бўлган Геродот ўз асарида бундан 2500 йилдан аввал қадим хоразмийларнинг Окс (Амударё) дарёси бўйида олов ёқиб, аланга устига хушбўй гиёҳлар селиб, ўйин-қўлги қилиб, гулхан атрофида туни билан ҳолдан тойгунча ажиб рақс тушиб, тонгни қаршилаши ҳақида маълумот беради.

Лазги шаклланишида Хоразмнинг қиши қаттиқ келиши ҳам ўз аксини қолдирган. Хусусан, Абу Райхон Беруний ўзининг “Осор ул-боқия” асарида Хоразмда фақат 40 кун иссиқ бўлиши, қолган ойлар нисбатан салқин ва совуқ бўлишини таъкидлаган. Хоразмга таширф буюрган ажабий тарихчилар Ибн Фадлон ва Абу Мансур ас-Саолбий ҳам ўз асарларида (масалан, “Идил (Волга)га саёҳат”, “Иатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср” (“Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси”) каби) бу ўлканинг совуқ иқлими ҳақида хабар берган. Шу боис, айрим мутахассислар рақсдаги титрамалар — форсий “ларзидан” сўзининг ўзати ушбу рақс номи билан белгиланишини айтадилар. Қадимий санскрит тилида ҳам “lasya” — “рақс”, “lasaka” — “раққос” маъносини бериши қайд этилади.

Шўролар даврида айрим “опим”лар ҳатто лазги рақси Кавказдаги лезгинларниқидан олинган, деган сохта илмий хулосаларга ҳам келган. Тарихимиз қадимийлигини шу тахлит хаспўшлашга уринишган. Тарихий манбалар аслида бунинг аксини кўрсатиб турибди. Тарихчи олимларимиз Жалолиддин Мангуберди 1225 йилда Тифлисни забт этганида аскарларининг бир қисми Кавказда қолиб кетгани, улар лазгининг

ҳарбийча ҳаракатларга монанд кўринишида рақс тушганларини айтади.

Ҳар на қилганда ҳам лазги рақси бугунги кунларгача етиб келди. Ўзбекистон халқ артисти, лазги бўйича илмий тадқиқотлар қилган ва амалиётчи мураббий Гавҳархон Матёкубова “Лазги тарихи” асарида ушбу рақснинг 9 турини фарқлаб кўрсатади.

“Бугунги кунда Хоразмда лазги рақсининг 9 тури мавжуд, — дейди тадқиқотчи. — Мана шу лазгилар ҳар хил шароитда пайдо бўлиб, асрлар оша давримизгача етиб келган. Тотемизм — “Масҳарабоз лазгиси”, анимизм — “Қайроқ лазгиси”, зардуштийлик — “Олов лазгиси”, афсоналардан келиб чиққан “Дутор” ва “Сурнай” лазгилари, фантазия маҳсули бўлган “Хива лазгиси”, шарт-шароит тақозосига кўра пайдо бўлган “УҒЛОН бола” лазгиси, “Тармон лазгиси”, элатларнинг аралашуви билан келиб чиққан Хоразм эронийлари лазгиси фарқланади. Уларнинг ижро услуби ҳар хил. “Масҳарабоз лазгиси”ни ўйнайдиган ижрочи “Хива лазгиси”ни ёки “Дутор лазгиси”ни ўйнавчи “Тармон лазгиси”ни ўйнай олмаслиги мумкин. Шунинг учун лазги ижрочиларининг услуби турлича, бири иккинчисига ўхшамайди. Бу услубларни ўрганиш жуда қийин. Лазгининг ўз ижросини бор. Лазгини исталган раққоса, санъаткор ўйнай олади, деб ўйлашади. Бу нотўғри. Лазгини юксак даражада ўйнаш учун илоҳдан берилган қобилият бўлиши керак”.

Лазгининг ЮНЕСКО репрезентатив рўйхатига киритилиши халқимизни руҳлантирди. Номоддий меросимизнинг халқаро эътирофи ғуруримизни юксалтирди, албатта. Президентимизнинг Лазги академиясини ташкил этишга оид ташаббуси, 2022 йилдан бошлаб Лазги халқаро рақс фестивалини ўтказиш ҳақидаги қарори кишини янада қувонтиради. Бу чора-тадбирлар жаҳон аҳлига бой миллий қадриятларимизни намоён этиш билан бир қаторда, мамлакатимизнинг сайёҳлик жозибadorлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Шу ўринда миллатимиз жонқуярлари эришилган ютуқлар билан кифояланмай, ЮНЕСКОга бу йил янги номзодномаларни тақдим этганларини таъкидламоқчиман. Олимлар, мутахассисларимиз бу йил ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия котибияти кўмаги билан яна 5 та номзоднома тақдим этди.

Булар: Бахши санъати миллий номзодномаси; Насриддин Афанди анъанавий ҳажвиялари кўп миллатли номзодномаси (Туркия, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон); Рубоб яшаш ва чалиш анъаналари кўп миллатли номзодномаси (Эрон, Ўзбекистон ва Тожикистон); Халқ ўйинлари (этноспорт) кўп миллатли номзодномаси (Ўзбекистон ва Тожикистон); Қаштачилик санъати кўп миллатли номзодномаси (Ўзбекистон, Қозғистон ва Тожикистон).

Қувонарлиси шуки, номоддий меросимизни тарғиб этишда давлат ташкилотлари қаторида Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди, “Умрбоқий мерос” каби жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.